# ОИЛАМГА ВА ДАВЛАТИМГА ҲИССА ҚЎШАЁТГАНИМДАН МАМНУНМАН



-Мавсум бошланганига кўп бўлмаган бўлсада, 4 тоннага яқин пахта тердим. Оиламга қўшимча даромад олиб кирганимга, давлатимга меҳнатим билан ҳисса қўшаётганимдан мамнуман,
- дейди "Тўғон Арслони"фермер хўжалигининг илғор теримчилардан Мовлуда Чориева.

"Тўғон Арслони"фермер хўжалигида 38 гектар майдонга пахтанинг "Беш қаҳромон"нави экилган бўлиб,118 тонна далат шарнома режаси ортиғи билан бажарилган. Шундай бўлсада далаларда пахта ҳосили мўл.

Ушбу фермер хўжалиги раҳбари Алимардон Рахмонқуловнинг айтишича, бугунги кунда теримчиларнинг биринчи терим пуллари тўлиқ тўлаб берилмоқда.

Қумқўрғон туманида барча фермер хўжаликларида босқичма-босқич пахта мавсумида фаол иштирок этаётган теримчиларга пахта пуллари берилмоқда.

Қўлда терилган ҳар килограмм пахта хомашёси учун биринчи теримда 1200 сўмдан нархлар белгиланган.